Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 13 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 32 (12.845)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини таъминловчи муҳим соҳага айланиб бормоқда. Мазкур соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилаётган эътибор бунда муҳим омил бўлаётир.



Ислом Исмоилов олган сурат

«ЯГОНА»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, шунингдек, фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнлари соддалаштирилди. Кўплаб жарималар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, айрим жарима турлари эса бутунлай бекор қилинди. Ишлаб чиқариши юқори бўлган, иқтисодий жиноятларга аралашмаган корхоналарда уч йилгача текширишлар ўтказилмаслиги ҳам уларга яна бир енгилликдир.

— Ишлаб чиқарувчи харидорнинг кун сайин ўсиб бораётган дидига, талабига жавоб бериш учун изланишдан тўхтамаслиги керак, – дейди тадбиркор Баҳодир Султонов. – Мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган катта имкониятларга жавобан аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш мақсади бизни тинимсиз изланишга ундайди.

1986 йилда Тошкент давлат техника университети (авваллари Тошкент политехника институти)ни битирган Баҳодир Тошкент трактор заводида муҳандис-механик бўлиб, бир неча йил ишлади. Малакасини оширди. Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг мамлакатимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилди. Эътибордан рағбат олган Баҳодир дурадгорлик касбини пухта эгаллади. Шу тариқа 1994 йилда у нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этди. 1997 йилдан эса макарон ишлаб чиқаришни бошлади. Ҳозирда Б.Султонов раҳбарлик қилаётган «Султон Темурбек ягона» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар импорт ўрнини босишда қўл келмоқда.

— Ўз вақтида тадбиркорликни йўлга қўйиш саъй-ҳаракатларини амалга оширдик, — дейди тадбиркор. — Биз ҳам ёш давлатимиз билан бирга оёққа турдик. Ўсдик, улғайдик. Биз иш бошлаган даврларда бозорларимизда кўпроқ хорижий маҳсулотлар сотилар, пул бўлсада, сифатли маҳсулотни топиш бир мунча мушкул эди. Бозорни ва аҳоли истакларини ўрганиб, саккиз хил макарон, жумладан, кесма лағмон тайёрлашни бошладик.

Маҳсулот тез орада ўзининг харидорларини топди. Кўпчилик яхши эсласа керак, 1998-2000 йилларда дўконларда турли ҳажмларда қадоқланган ва юзига «Султон» ёзуви туширилган макаронлар харидоргир эди. Айни вақтда корхона ана ўша маҳсулотларни «Ягона» савдо белгисида савдо расталарига етказиб бермоқда. Бугунги кунда маҳсулотларнинг тури ҳам, ҳажми ҳам бир неча мартага ошди. Мисол учун, 1997 йилда ойига бир миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич бир миллиард сўмга етди.

— Юртимизда ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш учун барча қулайликлар яратилган, — сўзида давом этади Баҳодир Султонов. — Биз ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, муайян ютуқларни қўлга киритяпмиз. Дастлаб банкдан кредит олиб иш бошлаган бўлсак, берилаётган имтиёзлар самарасида меҳнатимиз орқасидан яхши даромад топиб, кредитларни ҳам ўз вақтида қайтардик.

Ҳа, 2012 йилда «Асака» банкидан олинган маблағ эвазига корхона қошида савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриб битказилди. Унда тўй маросимлари, байрам тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилган. Шунингдек, умумий овқатланиш ва савдо йўналишида ҳам хизматлар кўрсатилмоқда. Жорий йилда ҳам банк сармоялари олиб, 2015-2016 йилларда 17 та янги иш ўрни очиш мўлжалланмоқда.

Тадбиркор ҳар йили «Ботирма» маҳалласи аҳолиси учун Наврўз, Мустақиллик байрамларини ана шу мажмуада ўтказиб, кекса-ю, ёшнинг дуосини олмоқда.

Бугун юртимизда мулкдорлар учун қулай бизнес-муҳит ва зарур шарт-шароит яратиш, улар ишлаб чиқараётган рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдириш, янги иш ўринлари очиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтиришга қаратилган кенг кўламли ишчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Зиёда ВОҲИДОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР

12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда бир қатор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.

Мажлисда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова маъруза қилди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилишига кўмаклашиш, унга риоя этилишини мониторинг қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий онгини ҳамда хабардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилишдан иборат бўлди.

Фаолият Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўмиталари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилди. Шунингдек, Омбудсман парламентнинг назорат-таҳлил тадбирларида иштирок этди. Ошкоралик ва шаффофликни таъминлашда, амнистия ҳужжатини қўллашда қоидабузарликларнинг олдини олишда иштирок этиш Омбудсман ва унинг минтақавий вакилларининг фаолиятида алоҳида ўрин эгаллади.

Омбудсманнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича фаолияти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги ҳамда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларнинг нормаларига қатъий мувофиқ ҳолда олиб борилди. Фуқаролар Омбудсманга умумий ва электрон почта, шунингдек, «ишонч телефони» орқали, шахсий қабул ва жойларда ўтказилган учрашувлар чоғида мурожаат қилдилар.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ва мансабдор шахсларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида Омбудсман ҳисобот даврида бир қатор ахборот-маърифий тадбирлар – семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказди, оммавий ахборот воситаларида чиқишларни ташкил қилиб, ноширлик фаолиятида иштирок этди.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш Омбудсман томонидан икки томонлама асосда ҳам, кўп томонлама асосда ҳам чет эллик ҳамкасблар билан алоқаларни кенгайтириш орқали амалга оширилди.

Савол-жавоблардан сўнг Омбудсман ҳисоботи батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари Омбудсманга хусусий мулкни, тадбиркорлар ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратишни таклиф қилдилар. Уларнинг фикрича, бу масала аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун долзарб эканлигини ҳисобга олган ҳолда, фермерлар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини кўпроқ ўрганиш ва мониторинг қилиш зарур.

Фракция аъзолари парламент қўмиталари билан ҳамкорлик қилиш шаклари ва усулларини такомиллаштириш, мунтазам равишда тегишли ахборот алмашишни йўлга қўйиш юзасидан таклифлар киритдилар. Ҳуқуқий таълимни, жамиятда ҳуқуқий билимларни, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти тузилмалари ходимлари орасида тарғиб қилишни яхшилаш муҳимдир. Депутатлар Омбудсман минтақавий вакилларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар сайловолди платформасининг мақсадларидан ва партия электоратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Омбудсман қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида депутатларнинг назорат-таҳлил фаолиятида фаолроқ иштирок этиши лозимлигини таъкидладилар. Бунда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва қонунларида кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

БЕРЛИНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимизнинг Берлиндаги дипломатия ваколатхонасида «Ўзбекистон Республикаси Президент сайлови арафасида» мавзуига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Германия Федератив Республикасининг расмий, жамоатчилик ва эксперт-таҳлил доиралари ҳамда немис оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир чоғида 2015 йил 29 март куни юртимизда бўлиб ўтажак Президент сайловига тайёргарликнинг бориши жараёнлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан муқобиллик асосида ўтказиладиган ушбу муҳим сиёсий тадбир юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, парламентдаги тўрт сиёсий партия томонидан номзодлар кўрсатилгани билан боғлиқ батафсил маълумотлар брифинг қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Шунингдек, мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йиллари давомида амалга оширган демократик ислоҳотлари ва улар берган салмоқли самаралар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Брифингда Ўзбекистон парламентининг янги таркиби ўз ишини бошлаганлиги ҳақида сўз борар экан, 2015 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир қатнашчилари республикамизнинг 2014 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўрсаткичлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида **«ReiseTravel» ахборот порталининг бош муҳаррири Геральд Уйбершер** элчихонада ташкил қилинган мазкур брифинг Ўзбекистон сиёсий ҳаётида кутилаётган муҳим воқеа – мамлакат Президенти сайлови ҳақидаги батафсил маълумотлар билан танишиш учун жуда қулай имконият яратганини қайд этди.

— Биз мамлакатингизнинг 2014 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўрсаткичлари билан ҳам танишдик, — деди у. — Далил ва рақамлар Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт стратегияси аввалбошданоқ ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганидан, яъни у узоқни кўзлаб белгилаб олинганидан далолат беради. Босқичма-босқич ривожланиш тамойилининг амалда оқилона қўлланилиши туфайли мамлакатингиз улкан ва барқарор натижаларни қўлга киритди.

Ўзбекистоннинг ўзи эришган муваффақиятларни ҳушёрлик билан ва танқидий нуқтаи назар билан баҳолаши диққатга сазовор. Президент Ислом Каримовнинг парламент қўшма мажлиси чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари бунинг яққол далилидир. Хусусан, давлат раҳбари томонидан ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришдаги узун ва машаққатли йўлнинг кичик бир бўлаги босиб ўтилди, дея таъкидланди.

Маълум қилинганидек, 2014 йил 29 март куни Ўзбекистонда Президент сайлови бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ўзбек халқига ушбу муҳим сиёсий тадбирни ўтказишда катта муваффақиятлар тилайман. Президент сайлови юқори ташкилотчилик даражасида ҳамда умум эътироф этилган халқаро меъёрларга мувофиқ равишда ўтишига ишончим комил.

— Дарҳақиқат, ўтган йил якунлари бўйича Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани катта эътиборга моликдир, — дейди **«Cultur-Cooperation International» жамоат ташкилотининг президенти Кэтлин Гёбель**. — Бу 2008 йилда бошланган ва умумбашарий миқёсдаги иқтисодий ривожланишга ҳозирга қадар ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Шунингдек, ўтган йили мамлакатингиз бўйича 1 миллионга яқин янги иш ўринлари яратилгани ва уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудларига тўғри келиши ҳақида ҳам худди шундай ижобий фикрни билдириш лозим. Бу ҳам мамлакатни барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Агар сиёсий беқарорлик ва ижтимоий қарама-қаршилик ҳукм сураётган мамлакатлар таҳлил қилинадиган бўлса, нотинч вазиятнинг замирида оддий ҳақиқат – тўғри ижтимоий-иқтисодий сиёсат мавжуд эмаслиги ётганини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик ва изчил тараққиётга асос бўлмоқда.

Келгуси ойнинг охирида бўлиб ўтадиган Президент сайловида ҳам республикангиз фуқаролари амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давом этиши учун, тинчлик, барқарорлик ва мамлакат фаровонлигининг янада юксалиши учун овоз беришларига аминман.

«Жаҳон» АА,
Берлин

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон сайлов округи комиссиясининг навбатдаги йиғилишида участка сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ошкораликни таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакилларини рўйхатга олиш масалалари муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Бухоро вилояти округ сайлов комиссиясида журналистлар учун ўтказилган матбуот анжумани сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланди.

● Қашқадарёда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг 2014 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

● Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Самимий туйғулар куйчиси» деб номланди. Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Хоразм вилояти Шовот тумани Чиғатойқалъа қишлоғида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Чиғатойқалъа қишлоғида фаолият бошлаган янги марказ «Заунгур» корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилди. Марказ хоналари барча зарур анжом ва мебеллар билан жиҳозланган. 150 томошабинга мўлжалланган залда турли тадбирларни ўтказиш учун замонавий шароит муҳайё.

ЖАҲОНДА

● Массачусет технология институти олимлари кўзи ожиз одамлар босма матнларни ўқий олиш имкониятини берадиган аудиоқурилмани ишлаб чиқишди. FingerReader қурилмаси фойдаланувчининг бармоғига узук каби тақилади ва матнни сканер қила оладиган кичик камера билан жиҳозланган. Ушбу қурилма ҳужжатлар, китоб, журнал, газета, компьютер экранларидан ахборотни ўқий олади. Ўқиш учун бармоқни матнга олиб боришнинг ўзи кифоя.

● АҚШнинг Калифорния штатидаги Туэнтинайн-Палмс базасида ўтказилаётган ўқув машғулотлари давомида камида 22 нафар америкалик ҳарбий хизматчилар жароҳатланди. Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу денгиз пиёдалари ёнғинни ўчириш тизимининг тўсатдан ишлаб кетиши натижасида атрофга тарқалган зарарли моддадан заҳарланишган.

● Уяли телефонларнинг инсон соғлиғига бўлган зарари ҳақидаги гап-сўзлар ниҳоят ўзининг аниқ тасдиғини топди. Саратон хасталигини ўрганиш бўйича халқаро агентлик ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уяли телефоннинг нафақат эшитиш, балки кўриш қобилиятига ҳам ўзининг зарарини ўтказишини маълум қилди.

Хабар қилинганидек, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш, участка сайлов комиссиялари таркибини матбуотда эълон қилиш, сайлов участкаларига бино ажратиш, уларни жиҳозлаш ва участкалар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш ишлари ҳақида Юнусобод туман ҳокимлигининг ҳисоботи тингланди ҳамда сайлов округи ҳудудида ташкил этилган сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик ҳолатига оид масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-, 17- ва 18[1]-моддаларига мувофиқ, участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғинларида шакллантирилганлиги, Тошкент шаҳридаги 653 та участка сайлов комиссиялари аъзоларининг таркиби халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси томонидан маъқулланиб, шаҳар округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, шаҳар округ сайлов комиссияси ҳудудида ташкил этилган сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари таркибини тасдиқлаш ва участка сайлов комиссиялари таркибини матбуотда эълон қилиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналар ҳузурида участка сайлов комиссияларини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш ҳақидаги қарорини ижро учун қабул қилиш ва Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ хорижий давлатлардаги ваколатхоналар ҳузурида участка сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сайлов участкаларини жиҳозлаш ва улар фаолияти учун шароитлар яратилиши бўйича Юнусобод туман ҳокимлигининг ҳисоботи тингланиб, ушбу масала юзасидан барча туман ҳокимликлари томонидан тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши лозимлиги белгиланди.

Бундан ташқари «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жойлардаги ижросини назорат этиш ва сайлов участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туманларга бириктирилган округ сайлов комиссияси аъзоларининг ҳисоботлари муҳокама этилди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Ж.Иноғомов жорий йилнинг 29 март куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берди.

Хусусан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тавсиясига биноан Тошкент шаҳри бўйича 653 та сайлов участкалари ташкил этилиб, уларнинг таркиби тасдиқланди.

Сайлов участкаларининг тартиб рақамлари ва уларнинг манзили кўрсатилган рўйхат «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинди.

Шунингдек, сайлов участкалари жойлашган бино ҳудудларида ободонлаштириш ишлари кенг йўлга қўйилганлиги ҳамда участка сайлов комиссияси фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Брифингда шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари томонидан журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб берилди.

Сайлов — 2015

ШАҲАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Диққат, танлов!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» Х МИЛЛИЙ МУКОФОТИ



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» Х Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2014 йилнинг 31 мартидан 2015 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2015 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

– муаллиф ҳақида маълумотнома;

– муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида «Туркистон» саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 35-хона.

Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.

www.journalist.uz



Шаҳримиз янада чирой очмоқда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА

Унда Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан 2014 йилда амалга оширилган ишлар, содир бўлаётган ёнғинлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатлари ва олдини олиш борасида кўрилаётган чоралар хусусида сўз юритилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси гарнизонида 11 та туман ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари мавжуд бўлиб, улардаги 33 та ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ва 13 та ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отрядлари шаҳримизда юз бераётган ёнғинларни бартараф этиб келмоқда.

Анжуманда соҳа мутахассислари томонидан аҳолининг билиб-билмай, баъзида эса онгли равишда ёнғин чиқиши мумкин бўлган ҳолатларга кўз юмаётгани таъкидлаб ўтилди. Бунинг оқибатида электр узаткичлари носоз бўлган электр ускуналаридан фойдаланиш, болаларнинг қаровсиз қолдирилиши ва қўлбола иситиш мосламалари билан боғлиқ ёнғин ҳолатлари кўп учрамоқда.

Ҳозирги кунда ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан ёнғинларнинг олдини олиш ва бартараф этиш вазифалари билан бир қаторда жойларда тумангаз, туман электр тармоқлари корхоналари ҳамда бошқа соҳа вакиллари билан ҳамкорликда тарғибот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу борада ходимларнинг билим даражасини ошириш мақсадида ҳар чоракда семинарлар ташкил қилиниб, уларда давлатимиз томонидан қабул қилинган янги қонунлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириб борилмоқда.

– Ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш борасида қилинган ишлар самарасида Тошкент шаҳрида бир қанча ижобий натижаларга эришилди, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Бахтиёр Пўлатов. – Содир бўлган ёнғинлар тезда бартараф этилиб, инсонларнинг ҳалок бўлиши ва тан жароҳати олиш ҳолатлари камайди. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, 2014 йилда инсонларнинг ҳалок бўлиши 22 фоизга, тан жароҳати олиш ҳолатлари эса 11 фоизга камайишига эришилди.

Соҳанинг моддий-техник базаси ҳам йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Халқаро рейтингда яхши кўрсаткичларга эга бўлган Германия, Франция ва Жанубий Корея давлатлари корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ёнғин ўчириш автомобиллари харид қилинмоқда. 2014 йилда ҳам бу ишлар давом эттирилди. Жумладан, Жанубий Кореянинг «Эвердайм» фирмасидан «ERL-46» автонарвонлар ҳамда «EAP» телескопик кўтаргичлари сотиб олинди. Техник базани мустаҳкамлаш ишларининг жорий йилда ҳам давом эттирилиши кўзда тутилган.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фракция аъзолари миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар, оналик ва болалик соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Омбудсман минтақавий вакиллари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш юзасидан Омбудсман фаолиятини янада кучайтириш тарафдори эканликларини ҳам билдирдилар. Ушбу вазифаларни бажаришда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари давлат ва жамият томонидан аҳолининг аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламлари, шу жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи бюджет ташкилотлари ходимлари, ижтимоий соҳа вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этишни ўзларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблашларини билдирдилар. Шу муносабат билан фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилувчи демократик институт ҳисобланган Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти жуда муҳимдир.

Ижтимоий шерикликнинг ролини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини фаол тарзда рўёбга чиқариш мақсадида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Фракция аъзоларининг фикрича, ҳозирги вақтда кўрилаётган чора-тадбирлар Омбудсманни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини самарали рўёбга чиқаришга, давлат ва фуқаролик институтлари фаолиятининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга кўмаклашишга, фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтиради.

Шунингдек, ЎзХДП фракцияси аъзолари фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга доир янги қонунлар қабул қилингани муносабати билан Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари номига фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратдилар. Депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари, маҳаллий Кенгашлар партия гуруҳларининг бўлғуси қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши устидан самарали назорат амалга оширилишига, уларга риоя этилмаслиги сабабларини ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда белгилашга кўмаклашадиган ўзаро узвий алоқалар ўрнатиши ва ҳамкорликни мустаҳкамлаши муҳимдир.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси вакиллари ўз сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, давлат фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатига айланиши лозимлигини, хусусан, ижтимоий адолатни янада такомиллаштиришга қаратилган ишларни кучайтириш, ҳар бир инсоннинг меҳнатга, ишни эркин танлашга, малакали тиббий хизматлардан фойдаланишга ва таълим олишга, қулай турмуш шарт-шароитларини яратишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш зарурлигини таъкидладилар.

Сўзга чиққанларнинг фикрича, Омбудсманнинг ҳисоботида барча мурожаатлардан фақат икки фоизи Интернет тармоғи орқали келиб тушган. Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган, аҳоли билан ишончли ўзаро алоқа учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг янги даражасига ўтилаётган даврда ушбу кўрсаткич жуда пастдир. Шу муносабат билан Омбудсманнинг расмий веб-сайтини такомиллаштириш таклиф этилди.

Бундан ташқари, фракция вакиллари томонидан ҳисобот даврида келиб тушган такрорий мурожаатлар сонига ҳам эътибор қаратилди. Шу муносабат билан Омбудсманга давлат органлари ва бошқа идоралар билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш орқали такрорий мурожаатларнинг миқдорини қисқартиришга эришиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари Омбудсманнинг диққат-эътиборини фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратишни кучайтириш лозимлигини билдирдилар. Жумладан, улар Ўзбекистоннинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларида фуқароларнинг соғлиғини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижро этилишини тез-тез мониторинг қилишни, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ўтказиладиган табиатни муҳофаза қилишга доир турли тадбирларда иштирок этишни тавсия қилдилар.

Ҳар томонлама муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқулладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Анжуманлар

ТАДБИРКОРЛИК ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликларининг мутасадди раҳбар ва ходимлари, туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари раҳбарлари, Савдо-саноат палатаси, солиқ хизмати, банк, статистика, архитектура ва қурилиш органларининг ҳудудий бўлинмалари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда ишбилармонлик муҳити ҳолатини ўрганиш ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилишини бу борада фаолият олиб борувчи мутасадди ташкилотлар, туманлар ҳокимликлари ходимлари ва тадбиркорлик субъектларига шарҳлаб бериш бўйича юқоридаги каби семинарлар ташкил этилмоқда.

Тадбир давомида республикамизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнес юритиш шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, биргина сўнги тўрт йил ичида 182 турдаги рухсат бериш тартиботлари ва лицензиялар бекор қилинди, уларни расмийлаштириш муддатлари ва ундириладиган йиғимлар миқдори икки мартадан зиёдроқ қисқартирилди, «ягона ойна» тамойилини жорий этиш ва ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш ёки айрим ваколатли органлар билан келишиш жараёнларини бекор қилиш ҳисобига рухсат бериш характерига эга ҳужжатлар ва лицензияларни расмийлаштириш жараёни янада соддалаштирилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ер участкаларини бериш, қурилиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва инфратузилма тармоқларига уланиш бўйича соддалаштирилган тартиблар жорий этилиши натижасида қайд этилган ижобий ўзгаришлар алоҳида таъкидланди. Интернет тармоқлари орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматларини кўрсатишни интерфаол шаклига ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Семинар иштирокчилари Жаҳон банкининг «Doing Business» ҳисоботи доирасида баҳолашнинг асосий йўналишлари ва мезонлари билан тўлиқ танишиш имконига эга бўлдилар. Мамлакат рейтингини баҳолашда ҳисобга олинадиган тартиботлар, қолаверса, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада соддалаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди, шунингдек, семинар иштирокчилари рўйхатдан ўтказиш тартиботларини янада такомиллаштириш, бу йўналишдаги харажатларни камайтириш ва маъмурий тўсиқларни бартараф этиш бўйича фикр алмашдилар.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 16

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
7.30 «Замин ғаройиботлари». Х/ф.
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Ўсимликлар ҳаёти». Х/ф.
9.30 «Руҳшунос». Т/с.
10.10 «Ватанпарвар».
10.50 «Нотариус маслаҳати».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.45 «Табиат мўъжизаси». Х/ф.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
13.50 «Хива: Кўҳна Арк».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
14.45 Миллий сериал: «Вақт қадри».
15.20 «Сайёралар». Х/ф.
15.45 «Кўрганларимиз ҳақида».
16.10 «Билимдон». Интеллектуал танлов.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Суҳбатдош».
17.20 «Агроолам».
17.40 «Қорачиқ».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман».
18.20 «Имконият».
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.
19.25, 20.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Муқаддас ришталар». Т/с. Премьера.
20.40 «Таҳлил-24».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.20 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.35 – 00.15 «Муҳаббат ила». Б/ф.
00.15 «Агроолам».
00.35 «Кўрганларимиз ҳақида».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Вақт қадри».
2.05 «Шарқ тароналари».
2.20 ТелеТеатр: «Девона». 1-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
5.10 – 5.55 «Ватанпарвар».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Жийда гули». Т/с.
7.30 «Ёшлик наволари».
7.50 «Қасоскор замин». Т/с.
9.10 «Афсона ва ҳақиқат».
10.00 «Камолот-инфо».
10.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
11.00 «Галактика». Х/с.
11.50 «Олтин тупроқ».
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Қочоқ». Б/ф. 1-қисм.
14.20 «Зар замин».
15.00 «Мўъжизавий дунё».
16.00 «Давр».
16.10 «Афсунгар». Т/с.
17.00 «Камолот-инфо».
17.10 «Ўзбек адабиёти».
17.30 «Соғлом ҳаёт».
17.50 «Чангалзор қироли». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Навоий набиралари».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Даҳолар». Т/с.
23.20 «Афсона ва ҳақиқат».
00.10 «Зар замин».
00.50 «Жаҳон мусиқаси».
2.20 «Галактика». Х/с.
3.10 «Тараннум».
3.50 «Мўъжизавий дунё».
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 2.00 «Poytaxt».
6.25 Миллий сериал: «Ҳаёт жилғалари». 26-қисм.
6.55 «Навоий маҳзани».
7.00 «Тошкент вақти».
7.50 «Суратларда ҳаёт акси».
7.55 «Ишга марҳамат!»
8.25 «Пойтахт-культура».
8.40 «Мисли гавҳар».
8.55 «Пойтахт-эко».
9.05 «Лус Мария». Т/с. 50-қисм.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.00, 14.00, 22.00 «Пойтахт». /Рус тилида/.
10.20 «Снежные псы». Х/ф.
11.50 «Poytaxt-avto».
12.10 «Джунгли». Д/ф.
13.00 «Тошкент вақти».
13.50 «Poytaxt-reportaj».
14.10 «Кўнгил ҳайратлари».
14.40 «Кадр ортида».
15.00 «Poytaxt-biznes».
15.10 «Интиқом». Т/с. 20-қисм.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.10 «Рим таътиллари». Б/ф.
17.50 «Poytaxt-Hi-tech».
18.25 «Бахт кўрғони».
18.50 «Poytaxt-intervyu».
19.00 «Лус Мария». Т/с. /Премьера/. 51-қисм.
19.45 «Телемаркет».
19.55 «Навоий маҳзани».
20.00 «Poytakht news».
20.20 «Пойтахт шаҳарлар».
20.25 «Интиқом». Т/с. /Премьера/. 21-қисм.
21.15 «Пойтахт йўлларида».
21.35 «Poytaxt-eko».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Черное золото». Х/ф.
00.05 «Тақдирлар».
00.35 «Саломат бўлинг!» тележурнали.
1.00 «Poytaxt-eko».
1.10 «Джунгли». Д/ф.
2.25 «Дик ва Жейн». Б/ф.
3.50 «Poytaxt-biznes».
4.00 «Тошкент вақти».
4.50 «Дунё» теледастури.
5.40 «Пойтахт йўлларида».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Қорақалпоқ спорти».
6.25 АНОНС.
6.30 «Орзулар кемаси».
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Sport Meteo».
8.35 Футбол. Германия чемпионати.
10.15 АНОНС.
10.20 «Шоҳсупага йўл».
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Чана спорти. Жаҳон Кубоги.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 АНОНС.
13.05 Фристайл. Жаҳон Кубоги.
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Дзюдо. Ўзбекистон чемпионати.
15.05 АНОНС.
15.10 Футбол. Германия чемпионати.
16.50 АНОНС.
16.55 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техно-спорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Болалар спорти».
19.20 АНОНС.
19.25 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
20.30 АНОНС.
20.35 «Футбол шарҳи».
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Жаҳон чемпионатларида: Тоғ чанғиси. Чана спорти.
23.40 «Техно-спорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Баскетбол.
2.35 АНОНС.
2.40 Жаҳон кубокларида: Трамплиндан сакраш. Чанғи пойгаси.
4.45 АНОНС.
4.50 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал

04.00 «Доброе утро»
07.00 08.00 11.00 17.00 23.50 Новости
07.05 «Поле чудес»
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.15 «Сегодня вечером»
13.05 Смак
13.40 «Время покажет»
14.00 Новости
14.20 «Время покажет». Продолжение
15.15 «Мужское/Женское»
16.10 «Наедине со всеми»
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Выстрел»
22.20 «Вечерний Ургант»
22.50 «Познер»
00.05 «Время покажет»
00.50 «Наедине со всеми»
01.35 Модный приговор
02.00 Новости
02.05 Модный приговор. Продолжение
02.35 «Мужское/Женское»
03.20 Контрольная закупка

Россия

05.00 «Утро России»
09.00 «Фокус-покус. Волшебные тайны».
09.55 Ток-шоу. «О самом главном»
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва
11.55 Т/с «Тайны следствия»
12.55 «Особый случай».
14.50, 04.45 Вести. Дежурная часть
15.00 Т/с «Гадание при свечах»
16.00 Т/с «Последний янычар»
18.15 «Прямой эфир».
20.50 «Спокойной ночи, малыши!»
21.00 Т/с «Ликвидация»
01.15 Х/ф «Американская трагедия»
02.40 «Горячая десятка».
03.50 «Комната смеха»

НТВ

05.00 НТВ утром
07.10 Дело врачей
08.00, 09.20 Т/с «Возвращение Мухтара»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
11.00 Суд присяжных
12.20 Суд присяжных. Окончательный вердикт
13.30 Чрезвычайное происшествие
14.00 Прокурорская проверка
15.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
17.00 Говорим и показываем
18.45, 22.30 Т/с «Морские дьяволы. Смерч»
21.40 Анатомия дня
23.30 Т/с «Пятницкий»
00.25 Д/ф «Настоящий итальянец. Мафия не навсегда»
01.15 Судебный детектив
02.10 Дикий мир
02.35 Х/ф «Второй убойный»
04.10 Т/с «ЧС – чрезвычайная ситуация»

СЕШАНБА, 17

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
7.30 «Замин ғаройиботлари». Х/ф.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Ўсимликлар ҳаёти». Х/ф.
9.30 «Руҳшунос». Т/с.
10.10 «Меҳригиё».
10.30 «Боғаро».
10.45 «Иқлим».
10.50 «Суҳбатдош».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.45 «Табиат мўъжизаси». Х/ф.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
13.50 «Буюк тарих бугун тикланмоқда».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Менинг боғим».
14.35 Миллий сериал: «Вақт қадри».
15.10 «Имконият».
15.30 «Сайёралар». Х/ф.
15.55 «Иқлим».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Кўнгил ободлиги».
16.30 «Ахборот» /инглиз/.
16.40 «Қорачиқ».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Тараққиёт таянчи».
17.25 «2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили». «Эъзоз».
17.40 «Кунларнинг бирида».
17.55 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.10 «Электр нурлари». Х/ф.
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.
19.25, 20.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Муқаддас ришталар». Т/с.
20.40 «Ўзбек модели».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Устурлоб».
22.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.15 – 00.00 «Оға-инилар». Б/ф.
00.00 «Иқлим».
00.05 «Эъзоз».
00.20 «Ўзбек модели».
00.40 «Кўнгил ободлиги».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Вақт қадри».
2.05 «Шарқ тароналари».
2.20 ТелеТеатр: «Девона». 2-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
5.10 «Менинг боғим».
5.25 «Буюк тарих бугун тикланмоқда».
5.35 – 5.55 «Устурлоб».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Жийда гули». Т/с.
7.30 «Ёшлик наволари».
7.50 «Қасоскор замин». Т/с.
9.10 «Афсона ва ҳақиқат».
10.00 «Давр».
10.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
11.00 «Галактика». Х/с.
11.50 «Олтин тупроқ».
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Қочоқ». Б/ф. 2-қисм.
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Мўъжизавий дунё».
16.00 «Давр».
16.10 «Афсунгар». Т/с.
17.10 «Юрт келажаги».
17.30 «Автопатруль».
17.50 «Чангалзор қироли». Б/ф. 2-қисм.
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Нуқтаи назар».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Даҳолар». Т/с.
23.20 «Афсона ва ҳақиқат».
00.10 «Ўзбек адабиёти».
1.10 «Қорақалпоқ ёшлари».
1.40 «Ватанпарвар».
2.20 «Галактика». Х/с.
3.10 «Тараннум».
3.50 «Мўъжизавий дунё».
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 «Poytaxt».
6.25 Миллий сериал: «Ҳаёт жилғалари». 27-қисм.
6.55 «Навоий маҳзани».
7.00 «Тошкент вақти».
7.50 «Суратларда ҳаёт акси».
7.55 «Ишга марҳамат!»
8.25 «Poytaxt-Hi-tech».
8.35 «Профессионал».
8.55 «Poytaxt-eko».
9.05 «Лус Мария». Т/с. 51-қисм.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.00 «Poytakht news».
10.20 «Принц и я». Х/ф.
12.10 «Пустыни». Д/ф.
13.00 «Тошкент вақти».
13.50 «Poytaxt-intervyu».
14.00, 22.00 «Пойтахт». /Рус тилида/.
14.10 «Сайёр камера».
14.30 «Шаг за шагом».
15.00 «Poytaxt-biznes».
15.10 «Интиқом». Т/с. 21-қисм.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.10 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Б/ф.
17.40 «Холис назар».
18.25 «Дастур асосида».
18.55 «Суратларда ҳаёт акси».
19.00 «Лус Мария». Т/с. /Премьера/. 52-қисм.
19.45 «Телемаркет».
19.55 «Навоий маҳзани».
20.25 «Интиқом». Т/с. /Премьера/. 22-қисм.
21.15 «Телетаҳлил».
21.35 «Poytaxt-madaniyat».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Ограбление по-французски». Х/ф.
